

**Коррупцияга қарши курашиш давлат Сиёсатини “Ўзмиллийбанк” АЖ
тизимида татбиқ этилганлиги ҳамда бу борадаги муҳим ва долзарб
масалалар бўйича Бошқарув Раиси**

МУРОЖААТИ

Хурматли ҳамкасблар!

Барчамизга маълумки, бугунги кунда Давлатимиз раҳбари томонидан халқимиз равнаки ва фаровонлиги, республикамизни янада ривожлантириш йўлида амалга оширилаётган ислохатлари қаторида - Коррупцияни олдини олиш, унга қарши курашиш ва ҳар қандай кўринишларига нисбатан “муросасизлик маданияти”ни шакллантириш ҳам ўта муҳим ва долзарб масалаларидан бири бўлиб қолмоқда. Бу борадаги ишларни янада жонлантириш ҳамда самарадорликни ошириш юзасидан қатор Қонун ва қонуности ҳужжатлари қабул қилиниб, кўплаб чора-тадбирлар белгиланмоқда.

Давлатимиз раҳбари томонидан коррупция давлат тараққиётига тўсик бўладиган, адолат ва қонун устуворлигини издан чиқарадиган ҳамда жамиятда ишонч муҳитини заифлаштирадиган энг жиддий таҳдид сифатида баҳоланиб, унга қарши муросасиз курашиш ҳар бир раҳбар ва ходимнинг устувор вазифаси экани алоҳида таъкидланди.

Шу муносабат билан давлат маблағлари ва ресурсларидан самарали фойдаланиш бўйича шахсий жавобгарлик кучайтирилмоқда, комплаенс ва коррупцияга қарши ички назорат тизимларининг ўрни ва аҳамияти янада оширилмоқда.

Хусусан, Банк тизими ҳам мамлакат иқтисодиётининг муҳим таянчларидан бири ҳисобланади. Шу боис, банк соҳасида қонунийлик, шаффофлик ва ҳалоллик тамойилларига қатъий амал қилиш ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Сўнгги вақтларда айрим молиявий ташкилотларда хизмат ваколатларини суиистеъмол қилиш, манфаатлар тўқнашувига йўл қўйиш, кредитлар ажратиш жараёнларига ноқонуний аралашуш, ҳужжатларни сохталаштириш ва маблағларни мақсадсиз йўналтириш билан боғлиқ салбий ҳолатлар аниқланмоқда. Бундай ҳолатлар нафақат қонунчилик талабларининг қўпол равишда бузилишига, балки Банкнинг обрўси, мижозлар ишончи ва тизим барқарорлигига жиддий хавф туғдириши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Шу боис, биз **“коррупциянинг ҳар қандай кўринишига нисбатан муросасизлик муносабати”**ни тизимимизнинг ўзгармас ҳамда қатъий тамойили сифатида илгари суришимиз ва бунга эришишнинг барча чораларини кўришимиз лозим.

Шунинг учун ҳам бугунги кунда ҳар бир раҳбар ва ходимдан ўз хизмат вазифаларини ҳалоллик, ҳолислик, шаффофлик, масъулият ҳамда юксак касбий этика асосида бажариши талаб этилади.

Ҳеч қандай шахсий манфаат, қариндош-уруғчилик, таниш-билишчилик каби муносабатлар, ташқи таъсир ёки бошқа ҳар қандай омил Банкимиз манфаатларидан устун қўйилишига йўл қўйилмайди.

Мурожаатим давомида банкнинг қуйидаги принципиал позициясини яна бир бор эслатиб ўтаман:

- Коррупциянинг ҳар қандай кўринишига нисбатан мутлақо мурасизлик сиёсати амал қилади;
- Манфаатлар тўқнашувини олдини олиш бўйича декларация тўлдиришда ҳолис ва шаффоф маълумотларни тақдим этмаслик ёки эҳтимолийлари тўғрисида ўз вақтида хабар бермаслик қонунчилик ва ички ҳужжатлар талабларининг жиддий бузилиши сифатида баҳоланади;
- Хизмат ваколатларидан шахсий ёки учинчи шахслар манфаатлари йўлида фойдаланишга мутлақо йўл қўйилмайди;
- Ҳужжатларни сохталаштириш, маблағларни ноқонуний ўтказиш ёки расмий жараёнларга аралашиш билан боғлиқ ҳар қандай ҳолат юзасидан материаллар белгиланган тартибда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга тақдим этилади;
- Қонунчилик ва ички тартиб-қоидаларни бузган ҳар қандай шахсга нисбатан лавозими, меҳнат стажи ёки хизмат мавқеидан қатъи назар қатъий чоралар кўрилади.

Азиз ҳамкасблар!

Унутмаслигимиз керакки, Банкнинг обрў-эътибори, мижозлар ишончи ва жамоамизнинг нуфузи ҳар биримиз қабул қилаётган қарорлар ва кундалик хатти-ҳаракатларимиз билан шаклланади. Биргина ноқонуний ёки нопок ҳаракат – Банкнинг йиллар давомида йиғилган ишонч ва обрўсига жиддий зарар етказиши мумкин.

Мен - ҳар бирингизни қонунчилик талабларига, корпоратив кадриятларга ва касбий этика тамойилларига содиқ қолишга чақираман. Фақат ҳалоллик, шаффофлик, қонунийлик ва чинакам масъулият орқалигина биз Банкнинг нуфузини сақлаб қолишимиз, мижозлар ишончини мустаҳкамлаб, олдимиздаги стратегик мақсадлар ҳамда юксак самарадорликка эришишимиз эҳтимолдан ҳоли эмас.

Ҳалол меҳнатингиз, фидойилигингиз, юксак масъулиятингиз ҳамда Банк кадриятларига содиқлигингиз учун барчангизга самимий миннатдорчилик билдираман.

Ҳурмат билан,

Бошқарув Раиси

А.Мирсоатов